

Атокли адаб ва жамоат арбоби Комил Яшин (Нўмонов) 1909 иили Андижон шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, 1925 йилда Ленинградда ўқиёди, сўнгра мактабда ўқитувчилик килади. 1930-1936 йилларда Яшин Ўзбек Давлат Музика театрида адабий эмакдош, 1946-1949 йилларда Ўзбекистон Санъат ишлари бошкармасига раҳбарлик килди. У кариб йигирма йилдан кўп (1958-1980) Ўзбекистон Ёзувчилари ўюшмасига раҳбарлик килди. Айни бир пайтда Ойбек вафотидан сўнг «Ўзбек тили ва адабиёти» ойномасига муҳаррирлик хам килди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиянинг хакикий аъзоси хамdir.

Яшиннинг ижодий фаолияти 1925 йилдан бошланади. Бу йилларда унинг шеър ва очерклари вакти матбуотда кўрина бошлади. Шоирнинг «Куёш» (1930), «Кураш» (1931), «Комсомол» (1933) шеърий тўпламларига кирган асарларида меҳнаткаш халк хаётида содир бўлаётган янгиликлар, ёшлар тақдири ва келажаги хакида фикр оритилади. Унинг биринчи драматик асари «Икки коммунист» (1929 йилда) сахнага кўйилди. У кишлокларни колективлаштириш даврида «Ўртоклар» (1930) ва «Ёндирамиз» (1931) пъесаларини ёзди. Яшиннинг «Номус ва мухаббат» (1935), «Хамза» (А. Умарий билан хамкорликда, 1940) сахна асарлари Улуг Ватан урушигача бўлган ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналариданdir.

Ўзбек хотин-кизларини эскилип саркитларидан озод этишга багишлиган «Гулсара» (1934), «Нурхон» (1940) пъесалари ўз вактида яратилган, ўша давр учун характерли сахна асарларидандир.

Комил Яшин Улуг Ватан уруши даврида етук драматург даражасига кўтарилиди. Адабнинг бу даврда яратилган асарларида дўстларга нисбатан меҳрибонли самимий мухаббат, душманларга қахру газаб ёғдирилди. «Ўлим боскинчиларга» (1942), «Офтобхон» (1944), «Даврон ота» (1942, Уйгун, Собир Абдулла, Чустий билан бирга ёзилган) драмаларига шу рух сингдирилган. Комил Яшин «Гулсара» операсининг либреттоси 1950 йилда Иттифок Давлат мукофоти лауреати деган фахрий унвонни олишга мусассар бўлди. «Генерал Рахимов» драмасида (1949) биринчи ўзбек генерали Собир Рахимовнинг Улуг Ватан урушида қўрсатган қахрамонлиги акс эттирилган.

Драматургнинг инкилобий мавзудаги «Йўлчи юлдуз» (1957) асари республикамиз театрларида муваффакият билан кўйилиб келинди.

Истеъдодли санъаткор Комил Яшин 1974 йилда «Инкилоб тонги» драмасини ёзди. Унда ҳалқимизнинг етук фарзанди, атокли давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг сиймоси гавдаланган. Унга адабиёт ва санъат соҳасида хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат қўрсатган сан1 арбоби ва Ўзбекистон халк ёзувчиси, 1974 йилда Мехнат қаҳрамони унвонлари берилди.

Хамзадек улуг устози изидан борган Комил Яшин ўзбек драматургиясида янги сахифалар очган, унинг тематик доирасини бойитган, узок умрлик асарлар яратган адабидир. Адабиётимизда унинг овозига эргашган, тарбиясидан баҳраманд бўлган драматурглар оз эмас. Комил Яшиннинг ўзбек театри ва драматургияси тараккиётига кўшган хиссаси улканdir.

Комил Яшин кейинги йилларда «Хамза» романини ёзиб чоп эттириди. Унинг сўнгги асарларидан бири икки китобдан иборат «Ёдгорлик» мемуарномасидир. Гап Комил Яшин каби кекса санъаткорлар хакида борганда улар йўл кўйган хатолар ёки нуксонларни

давр рухияти, талаби билан бөгликтөр холда күриш зарурдир. Түгри, унинг кўп асарларида Уйгун, Г.Гулом, Н. Сафаров ва бошка адиллар каби партиявий авангардлик меъёридан ошиб кетган, шунинг окибатида улар асарларида тарихий хакикатдан маълум чекиниш холлари содир бўлган. Энг мухими, хозирги авлод улар йўл кўйган хатоларни такрорламасликлари дадир.